



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
22 декабрь
ШАНБА
№ 102
(12.530)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ҚЎШМА КОРХОНА



СУРАТДА: (chapдан) катта уста Мавлуда Иноғомова ва мутахассис Арофат Эрназарова маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Мустақиллик йилларида хорижий ҳамкорлар иштирокидаги қўшма корхоналар жуда тез кўпайди. Минглаб тадбиркорлар хусусий корхона эгалари бўлишди. Айниқса, енгил саноат соҳасида қўлга киритилган ютуқлар салмоғи анча юқори.

ХАРИДОРЛАР ХОРИЖДАН

Айни кунларда вилоят шаҳар ва туманларидаги тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларининг асосий қисми экспортга юборилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Янгидан иш бошлаган "Бўстонлик тикувчилари" қўшма корхонасида тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари ҳам хорижда кўплаб харидорлар топиб улгурди. Хозирда бу ерда йилнинг ҳар чорағида 74 миллион сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Энг асосийси, тайёрланаётган кийим-бошлар юз фоиз МДХ давлатларига экспорт қилинмоқда. — Маҳаллий хом ашё асосида тайёрланаётган маҳсулотларимизнинг сифати ва дизайни хорижликдан асло қолишмайди, — дейди корхона катта устаси Мавлуда Иноғомова. — Шу сабабли хориж бюртмаси асосида ишлаб чиқарилади. Корхонада айни кунда 97 киши иш билан банд. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Келгусида маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш режалаштирилган. Бу эса экспорт салоҳияти янада ошишига олиб келади.

2012 йил - МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

ОИЛА КЎРҒОНИ МУСТАҲҚАМ БЎЛСА...

Ҳаёт бизга оила аталмиш мустаҳқам кўрғонни инъом этганки, у инсон умрига тўқислик бағишлайди, бахтга етаклайди. Умр қарвонини ҳаётнинг пасту баланд йўлларида беэвола олиб ўтувчи оил эса меҳр-муҳаббатдир. Зеро, оила қуриш тароққули келинликка муносиб қиз танлашдан бошланган, оиланинг келажакда мустаҳқам бўлиши келиннинг ақлу фаросати, ички оламнинг бойлиги, меҳнатсеварлиги ва тадбиркорлиги, худқ-одобига, покчилиги ва ростгўйлигига, пазандлиги ва чеварлигига, ҳаё ва ибосига, меҳру садоқатига алоҳида эътибор берилди. Бунда наслу насабнинг тозаллиги, ота-онанинг элдоғи ҳурмат-эътибори ҳам аҳамиятга эга, албатта.

Оила нима? Бу сўз қандай лугавий маънога эга? Ижтимоий ҳодиса сифатида нимани англатади қачон ва қандай пайдо бўлган? Қандай ижтимоий-маънавий асосларга эга? Ҳозирги ўзбек оиласининг ўзига хослиги нимада? Нега истиқлол туғайли ўзбекистонда бу ҳодисага янгича муносабат заруратга айланган? Шу долзарб саволлар магзини чакмай туриб, масала муҳиятини аниқлаш кийин. Оила тарихий категория сифатида, қомусий адабиётларда қайд этилганидек, "кишилarning табиий-биологик (жинсий) муносабатлар, фарзанд дунёга келтириш", иқтисодий (мулк муносабатлар, уй-жой, мол-мулк, уй-рўзгорларини бошқариш), ҳуқуқий (никоҳни давлат йўли билан қайд этиш), маънавий (эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат) муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиги" бўлиб, хилма-хил шакллари ва кўп қиррали вазифалари маъжуд ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар табиати, жамият маънавияти ва маданий тараққиёти даражасига боғлиқ ҳолда юзага келган.

Дастлаб муайян уруғ ёки қабила аъзолари ўртасидаги гуруҳий никоҳга асосланган оила шакли пайдо бўлди. Кейинчалик бева хотиннинг вафот этган эрининг акаси ёки укасига турмушга чиқиши ва ақинча, ушуга хотиннинг олмаси ёки синглисига уйланиши, шунингдек, кўп эрлик ва кўп хотинликка асосланган оила, қолаверса, қариндош уруғлар ўртасидаги никоҳ негизидagi оилалар шаклланди. Ҳанузгача, ахён-ахёнда бўлса-да, учраб турадиган оилалар, опа-укалар, шунингдек, амма ва доҳлар, тоға ва амакилар доирасидаги ўзаро қуд-андачилик замиридаги оилалар давом этаётгани ачинарлидир, албатта.

Оила жамият ичидagi жамиятдир. Бу мўъжаз жамиятнинг ўз салтанати бор, у инсон ҳаётига тўқислик бахш этади, солиқ фарзандларни қамолга етказиб, элга қўшади. Мустақил республикамизда ёшларни маънан етув ва жисмонан соғлом бўлиб воёга етказишга қаратилган чора-тадбирлар порлоқ келажакни қўлаб амалга оширилаётгани шубҳасиздир.

Афсуски, яқин қариндошликни янада мустаҳқамлаш мақсадида бир ота-она фарзандлари ўзаро қуд-анда тутинишади. Бундай ниҳонда келажакда нафақат ота-она ёки ёш келин-куёв балки, уларнинг муракб фарзандлари ҳам азият чекишади. Биз кўйида ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа айни ҳақиқат. Мақсадимиз бундан бошқалар ҳам керакли ҳулосани чиқариб олинсин, токи келажакда соғлом ва баркамол авлодларни дунёга келтириш, тарбиялаш ва воёга етказишга ҳар бир ота-она масъул эканини унутмасин.

(Давоми 2-бетда).

ҚАРОР ВА ИЖРО

"Ангрэн" махсус индустриал зонаси (МИЗ-1) ҳудудида фойдаланилган техник мойларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланидиган "Uz-Ecoprotect" ва "Uz-Prista Recycling" қўшма корхоналари тасвир этилди.

Фойдаланилган техник мойлар — қайта ишлашга

Мақзур корхоналар Президентимизнинг 2012 йил 22 майда қабул қилинган мотор мойлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирларига оид қарори ижросини таъминлаш доирасида фаолият олиб боради.

Фойдаланилган техник мойларни утилизация қилиш жамият учун муҳим иқтисодий ва экологик аҳамиятга эга бўлиб, бу масала бутун дунёда кескин муаммага айланмоқда, — дейди "Uz-Ecoprotect" қўшма корхонасининг бизнес-ривожлантириш маслаҳатчиси Руслан Ҳоликов. — Негаки, фойдаланилган мойлар биосферани сезиларли даражада ifлослантиради. Бундан ташқари, бу мойлар атроф-муҳитга чиқарилганда, нефть ва бошқа нефть маҳсулотларидан фарқи равишда табиий йўл билан кам миқдорда зарарсизланади. Уларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш эса катта маблағ ва энг замонавий технология ҳамда ускуналардан фойдаланишни талаб қилмайдиган мураккаб жараён.

Шу йил 4 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ишлашган техник мойларни топшириш, тўплаш, улар учун ҳисоб-китоб қилиш, уларни сақлаш ва ташқи тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида" ги қарори қабул қилинди. У фойдаланилган техник мойларни саноат йўли билан самарали утилизация қилиш ҳамда атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Янги корхоналар ишлашган техник мойларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимининг таркибий қисми бўлиб, иккиламчи хом ашё ва материаллар бозорини янада амалга оширишга ушбу лойиҳанинг экологик масъулияти, ижобий иқтисодий асосланганлиги ва самардорлиги ўртасида оптимал мувозанат яратди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида махсус ташкил этилган тўплаш пунктларида фойдаланилган техник мойлар қабул қилинади, сақланади ҳамда қайта ишлаш учун жўнатилади.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири.

БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлик фазилатлари ҳам ўзининг яққол имодасини топмоқда.

2012 йилнинг 5 декабрда Президентимиз Ислам Каримов тақдирномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида" ги қарори бу таъминлашнинг амалдаги яна бир имодаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасида мақзур қарор ижросига бағишлаб ўтказилган йилги шул ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон ички ишлар вазирлигининг ўринбосари А. Шодиев, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С. Ортиқова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Х. Халимов ва бошқалар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар қонун устуворлигини таъминлаш, инсонларварлик ва бағрикенглик таъминлашнинг қарор топтирашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Амнистия акти билиб-билмай жиноят содир этиб, жазога тортилган, кейинчалик

ЮКСАК НАМУНАСИ

хатосини тушуниб етган кўплаб шахслар учун катта имкониятдир. Йилги шулда Олий Мажлис Сенати қарорининг мазмун-моҳияти, ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Ушбу амнистия актининг очиқ-ошкоралик таъминлаш йили асосида қўлланилиши, бунда жамоатчилик назорати, хусусан, депутатлар корпусининг бевоқиф иштирокини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрилатири. Шу мақсадда сенаторлар, депутатлар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) минтақавий вакиллари билан иборат ички гуруҳлари тузилган.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

АВТОТРАНСПОРТ: ДАВЛАТ РАҚАМИ ВА ХАЛҚАРО ТАЛАБ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари аҳолининг автомобиль транспорти хизматидан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бораётгани ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Кўчаларимизни тўлдириб юрган, асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобильларнинг нафақат техник имкониятлари, балки дизайни ҳам халқаро андозалар даражасида. Автомобилларнинг давлат рақами белгилари ҳам халқаро стандартлар талабига мувофиқлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июнда қабул қилинган "Автомобилларнинг воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қарор ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилатири. Бу ҳақда мақзур бошқарма бўлими бошлиғи, подполковник Анвар СУЛАЙМОНХУҲАЕВ куйидагиларни сўзлаб берди:

2013 йил 1 январгача барча автомобилларнинг воситалари янги миллий давлат рақамига эга бўлиши шарт

— Автомобилларга берилган давлат рақамида давлатимиз рамзларидан бири — Ўзбекистон Республикаси байроғи ҳамда "UZ" белгиси акс эттирилганини таъкидлаш лозим. Бу автомобильларимизнинг қаерда бўлмасин, Ўзбекистон давлатига тегишли эканини кўрсатиб туради.

Мамлакатимиз — халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Шундай экан, кўплаб соҳалар сингари автотранспорт давлат рақамларини жорий этишда ҳам халқаро стандартларнинг қабул қилиниши табиий ҳол. Шу боис миллий давлат рақамлари халқаро миқёсда кенг қўлланиладиган лотин алифбосига мувофиқ тайёрланган. Масалан, Швейцарияда — СН, Австралияда — АУС, Россияда — RUS, Францияда — F белгилари жорий этилганлиги, ушбу харфлардан автомобильларнинг қайси давлатга тегишли эканини билиб олиш кийин эмас.

Мамлакатимизда янги миллий давлат рақамига ўтишни яна бир зарурияти шундан иборатки, аҳолининг транспорт воситаларидан фойдаланишга бўлган талаби йил сайин ошиб бормоқда. Табиийки, бу янада кўпроқ давлат рақамлари

расмийлаштирилишини тақозо қилади. — Тасдиқланган янги давлат рақамлари бу борада муаммо туғдирмайди. — Йўқ. Янги давлат рақамларининг ҳар бир ҳудуд учун бир эмас, бир неча код мавжуд. Бу код давлат рақами белгиларининг бошида ўз аксини топади. Ҳозирча пойтахтимиз аҳолиси ва Тошкентдаги ташкилотлар машиналари учун "01" ҳудудий коди орқали давлат рақами берилмоқда. Тошкент шаҳрининг белгиланган ҳудудий коди рақами 01 дан 09 гача. "01" коди билан рақам бериш ниҳоясига етгандан сўнг "02" коди акс этган рақам берилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар учун ҳам ана шундай кодлар тасдиқланган. Шу ўринда айтиш жоизки, юридик ва жисмоний шахслар автомобилларига берилган давлат рақамлари бир-бириндан фарқ қилади. Юридик шахслар автомобиллари давлат рақамида ҳудудий коддан кейин учта рақам ва учта ҳарф кетма-кет жойлаштирилса, жисмоний шахслар автомобилларида битта ҳарф, учта рақам, ке-

ҳисобга олишнинг электрон тизими жорий этилгани улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олади.

— Янги давлат рақамларини бериш қандай тартибда амалга оширилмоқда? Ҳозирги кунда ҳам эски намунадаги рақамлар учрайдими-ку.

— Давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Аввалига автотранспорт эгаларининг аризаси асосида ихтиёрли рақамда давлат рақами берилди. Кейинчалик янгидан рўйхатдан ўтказилаётган барча автотранспорт воситаларига мажбурий тартибда янги давлат рақамлари берилди бошланди.

Эски автотранспорт воситалари эгаларининг ҳозирги кунгача асосий қисми янги давлат рақамини расмийлаштирган. Айрим фуқароларнинг ҳамон эски давлат рақамидан фойдаланаётганининг сабаби бу рақамдан фойдаланиш тақиқланмаганида. Аммо ҳукуматимизнинг тегишли қарорига кўра 2013 йил 1 январгача барча автотранспорт воситалари эгалари янги миллий давлат рақамига эга бўлиши шарт. Боиси мақзур кундан бошлаб эски намунадаги давлат рақамлари ҳақиқий ҳисобланмайди.

ЎЗА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА сўзлаблади.

Россиянинг Калининград шаҳрида футбол бўйича ўтказилган X Жаҳон чемпионатида республика Ногироналар терма жамоаси голибликни кўлга кiritиб, учинчи марта жаҳон чемпионатининг олтин медали билан юртимизга қайтгани ҳақида илгари хабар берган эдик.

УЧРАШУВ

Ўзбекистон ХДП "Истиқбол" ёшлар қаноти вилоят бўлими Қўйраб туман Байтўрқон қишлоғидаги "Ҳумо" соғломлаштириш мажмуасида терма жамоамиз аъзоларининг ёшлар билан учрашувини ўтказди. "Ҳақиқий жасрат намунаси" — ёшлар эътирофига" шiori остида ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, "Истиқбол" ёшлар қаноти аъзолари, депутатлар, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Учрашувда сўзга чиққанлар терма жамоа аъзоларини эришилган галаба билан қутлаб, юртимиз довуригини дунёга янада кенг таратишда уларга куч ва матонат тилашди. Терма жамоа аъзолари ёшларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб беришди.

Ғолиб спортчиларга вилоят партия кенгаши ҳамда "Кизил ярим ой" жамияти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамгармаси вилоят бўлиmlарининг эсдалик совгалари ва фахрий ёриқлари топширилди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

Халқ хотираси қай йўсинда яратилади? Ва нима учун кўп нарсалар хотира замирида йўқ бўлиб кетади-ю, инсон, халқ ва мамлакат ҳаётининг қандайдир бир парчаси яшашда давом этиб, ёруғлик, Донолик ва Меҳрнинг ақл бовар қилмас куч-қудрати...

Бутун Сайёраимиз – бизнинг умумий уйимиз. Ва унинг ҳар бир бўлаги биз – ушбу гўзал замин фарзандлари учун жуда муҳим ва қимматли.

Бундай дахлдорлик туйғуси, айниқса унутилган кўҳна шаҳар харобалари замирида кучли намоён бўлади. Зеро, бундай жойларда тарихий тошлар унсиз қотган, атроф жуда сокин бўлади. Лекин, бир сония ҳам ўтмай, эшитамиз ва ҳис этамики, бу кўҳна шаҳар хали тирик, у нафас олаётти. Қадимий улкан тошлар ҳам асло гунг эмас, улар чор атрофга ҳаёт бағишлаб турган куч-қудратидан бизларни ҳам баҳраманд этишга тайёр. Аммо, афсуски, ҳамма одамлар ҳам, ҳамма вақт ҳам буни англаб етишмайди.

Бўстонлик – қўриқхоналар ўлкаси. Сайёҳлар, зиёратчи ва ажойиб-ботларга ўч одамлар оқими йил-ун икки ой тинмайди. Шунинг учун ҳам Тошкент вилоятининг кўпроқ Бўстонлик ва Охангарон туманларининг бепоеён кенгликлариди муассаслашган бой маданий меросларни авайлаб-асраш муаммоси тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Бурчмулла – Бўстонлик туманининг энг гўзал жойларидан бири. Утган асрда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Чорвоқ археология отряди таркибига кирган ўзбек археологлари бу ерларда ҳам тадқиқотлар олиб боришди. Бу энг бой маскан бўлиб, ўнлаб кўҳна қўрғонлар, ҳарсанларга чизилган расмлар, қадимий устакхоналар топилган.

Археологлар Бурчмулладаги кўҳна шаҳар харобаларида қўлга кўчирилган ашёлар топилди. Чорвоқ археология отряди 1963 йилдаёқ бу ерда кўҳна шаҳар қолдиқлари борлигини аниқлади. 1964-1965 йилларда унга туташ ҳамма участкалар ўрганиб чиқилди. Олимлар бу шаҳар Ардлакет шахри би-

дан далолатдек, зиё сочаверади? Она заминни севиш бу – жасорат. Негаки, муҳаббат – юрак ва қалбнинг боқий ҳаракати, инсоннинг ўз ери, бош уйи учун нимаалардир қилишга мудом интилиши.

Кафтинги ерга бос, шунда мўъжизани кўрасан. Пайгамбар оёғи остида ётган тошга кафтини босди. Шу заҳотиёқ тош остидан беш бармоқ каби ёнма-ён бешта жойдан сув отилиб чиқди. Бу кўп вақтдан бери орзу-умид билан Аллоҳга илтижо ва ибодат қилиб сўралган оби ҳаёт эди. У ернинг чуқур қаъридан фавворадек юзага отилди.

Мусаффо бўлоқлар кундан кунга кучайиб борди. Бугун Идрис алай-ҳиссаломнинг беш бармоғи ўрнидан қайнаб чиқётган зилол сув тинимсиз оқиб, одамлар чанқоғини қондириб, рухларига тетиклик, дардларига шифо бағишлашпти. Пайгамбар ҳассасини суққан жойдан эса чинор ўсиб чиққан. У бугун Қадамчибува муқаддас қадамжоси осмонни қоплаб, соя ташлаб турибди.

Чинорнинг таъсирини тўрт-беш киши қўл ушлашиб, кучоқлаши мумкин. Бу ерга ташриф буюраётган сайёҳ ва зиёратчилар гўё маслаҳатлашиб олгандек, чинор атрофини етти марта айланб чиқишади. Бу аънава қачон тугилганини ҳеч ким билмайди. Аммо, турли ёшдаги маҳаллий ва бегона одамлари кўриб, хурсанд бўласиз. Негаки, табиат ва хотира одамларни – бизларни бирлаштириб ва бу билан жамки инсонлар Ер фарзанди эканини эслатиб туради.

Бу ерда гўя ажиб гўзал бог бунёдга келган. Ҳосилнинг мўлтигидан ўрик шохлари ерга теккудек эгиллиб ётади. Фарқ пўшган одамларнинг олов ранги қўли олади. Ўзбекистон ёзининг авжи жазирасида Қадамчибува қадамжоси кечаю-кундуз бирдек сокин ва салқин бу жойда фикр-ўй тиниқади, қалб қувонча тўлади, руҳингиз табиатдан куч олади. Яшаш ва олға босиш учун. Ўз улкангизни ўзингизга яна ва яна кашф этиш, заминни янада фойдаланиш ва унга меҳрингизни бериш учун. Худди бир пайтлар Қадамчибува ажабтовур ном – Бурчмулла дея аталувчи шу маконга ўз меҳрини бергандек.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" хайрия фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси.

ЗАМИН ВА ХАЛҚ
ХОТИРАСИДАГИ ИЗЛАР

лан бир хил деб қарашади. У Чоч давлатининг энг гуллаб-яшнаган шаҳарларидан бири бўлган. Учинчи асрда яшаб ўтган Шарқ географлари ҳам у ҳақда ёзиб қолдиришган. Кўксув ва Чотқол дарёлари қўшилган ҳудуд яқинида қад рўстланган шаҳар шу икки дарёнинг чуқур даралари билан икки томондан ўралган ва учинчи томондан бақувват тулроқ девор билан мустаҳкамланган. Археологлар металлургия ишлов бериш ва кулолчилик изларини топилди. Шаҳар VII-XI ва кейин қисман XIV-XV асрларда фаолият юритган. У ўтроқ ва кўчманчи аҳоли учун мустаҳкам қалъа ва алмасув пункти вазифасини ўтаган. Шу ерда ҳам археологлар расм чизилган иккита катта тош топилди.

Бурчмулла зонаси ҳақидаги ҳужожи узоқ давом эттириш мумкин. Зеро, бу ерда ўтмишдаги марғишу тайёрлаш, маъданли бўқлар қазиб олиш излари сақланиб қолган. Ушбу қазилмалардан идишларга пардоз беришда фойдаланилган. Бундан ташқари, қумуш аралаш кўрғошин ва бўёқбоп охрали конлар ҳам бўлганлиги аниқланган. Шунингдек, бу ерда эраимиздан аввалги биринчи юзйилликка тааллуқли бронза буюмлар ёмбиси ҳам топилган.

Палтовсойнинг ўнг қирғоғидаги юксакликда, унинг суви Чотқол дарёсига қуйиладиган жойдаги



Бурчмулла қишлоғида, тўғрироғи унга қираверишда паст текстикдаги гўзал дарада Қадамчибува қадамжоси бор. Халқ бу жойни Идрис (христианларда Еноҳ) пайгамбар номи билан боғлайди. Бу афсона ҳақида шундай ривоят қилинади.

...Жуда қадим ўтмишда Идрис пайгамбар шу жойлардан ўтади. Бу ердаги ҳамма нарса – гўзал тоғ манзараси, адл дараклар, мусаффо ҳаво унга ёқади. Атрофида турли нав дараклар ўсган мўъжаз кўрғонни кўриб, бу ерда сув йўқлигидан ажабланади ва Аллоҳга мурожаат қилади: "Сен ҳамма нарсани яратдинг. Аммо нега бу ерда сув йўқ?" Аллоҳ жавоб қилди: "Мен сенга яратиш қудратини ато этдим.

Бурчмулла қишлоғида, тўғрироғи унга қираверишда паст текстикдаги гўзал дарада Қадамчибува қадамжоси бор. Халқ бу жойни Идрис (христианларда Еноҳ) пайгамбар номи билан боғлайди. Бу афсона ҳақида шундай ривоят қилинади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Table with columns: Savdo sanasi, Kim tomonidan savdogga kuyilgan, Avtorizatsiya nomini, ishlab chikarilgan yilini va davlat raqami, Boshlang'ich bahosi (сўм), Sotilishi bahosi (сўм). Includes data for SPARETRA MCHJ and other companies.

"REALTOR GARANT BUSINESS" MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказилган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади! 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан тақдоран 05.12.2011 й. № 24069-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, А. Навоий ф/у, 1-бўлимда жойлашган 285-жой. Бошланғич баҳоси – 279 306 285 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 7 январь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. 2. Куйи Чирчиқ тумани СИБ томонидан 27.08.2012 й. № 7684-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Куйи Чирчиқ тумани, Тошлоқ қ. ф. й., А. Навоий ФХУ, Сурум қишлоғида жойлашган бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 807 230 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 23 январь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2013 йил 23 январь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. 3. Куйи Чирчиқ тумани СИБ томонидан 27.08.2012 й. № 7684-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Куйи Чирчиқ тумани, Тошлоқ қ. ф. й., А. Навоий ФХУ, Сурум қишлоғида жойлашган бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 807 230 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 23 январь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиниш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2012 йил 18 декабрдаги 58-Баённомасининг қарори билан қуйидаги: Чиноз туманидаги "ASADBEK TRANS SERVIS" XKга тегишли: "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида энгил автомобилларда ташиниш" фаолиятини амалга ошириш учун берилган "АТ" серияли, 000489 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2012 йил 18 декабрдан бошлаб тикланганлиги тўғрисида маълумот беради.

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига! Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи юридик макомга эга бўлган корхона-ташкilotлар ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликлари диққатига! 2012 йилнинг 4-чорак якуни учун қуйида келтирилган давлат статистик ҳисоботларини: - 1-QX shakli (қишлоқ хўжалик ташкilotи фаолият тўғрисида) чоралик ҳисоботини қишлоқ хўжалик ташкilotлари (ёрдамчи хўжаликларни қўшган ҳолда), (фермер хўжаликлари, микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари); - 1-FX shakli (фермер хўжаликлари фаолият тўғрисида) чоралик ҳисоботини фермер хўжаликлари; - 1-DX shakli (деҳқон хўжаликлари фаолият тўғрисида) чоралик ҳисоботини шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарчалар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳалалар фуқароларининг йиғинлари ўз жойидаги (туман, шаҳар) статистика бўлимига 2013 йилнинг 3 январь кунидан кечиктирмай тақдим этилиши юзасидан оголхотариб ўташимиз. Шунинг ҳам қайд этиб ўтишимиз лозимки, Давлат статистик қурастувларини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этишмасликда ифодаланган давлат статистик ҳисоботларини тақдим этиш тартибинин бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикасининг Матмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддасида белгилаб ўтилган жавобгарликка сабаб бўлади. Тошкент вилояти статистика бошқармаси.

2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қўриладиган замонавий уй-жойлар учун буюртмалар қабул қилиш бошланди! 2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ! Қишлоқ жойларда имтиёзлик қўлувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти; Қўлай ҳисоблаш: дўкон, мактабларга яқин жойида; Замонавий дизайнли уйлар; Ҳар бир уй-жой б.т.м.с. ер майдонига эга; Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва раван йўлларга эга; Янги уйда оилаңиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг. Оилаңиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ! Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилинган маблағингиз оилаңиз режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади; Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилаңиз тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратлади.

ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос. Келажак учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ! Омонатингизни кўпайтириш имконияти; Имтиёзли фойз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити; Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари; Маюш мидқори йиллар давомида қўлайча ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди; Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежамлилик ва арзон нархлар сарови.

Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ! Топловдан ўткан нудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги; Бир иллик сифат қаролати; Ҳаётининг нархларида юқори сифатли замонавий қурилиш моллари. Марҳамат, мурожаат қилинг: Туман ёки вилоят ҳокимликларига; Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига; "Қамолот" ЁИХ бўлимига; Хотин-қизлар қўмиталарига; Қишлоқ қурилиш банк филиалларига, мини банкларига; Қишлоқ қурилиш инвест филиалларига. 100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36 Тел.: (+998 71) 150-93-39 Факс: (+998 71) 150-93-93 www.qdb.uz e-mail: headoffice@qdb.uz

ООО "STARPAN-SERVIS" Сергелийского района г. Ташкента (ИНН 202007932) объявляет об уменьшении уставного фонда с 380 868 000 сум до 167 609 000 сум. Пошеლობ Андрей Михайлович сообшчаёт о намерении приобрести простые акции, составляющие более 15 % от уставного фонда следующего эмитента ОАО "AVTOYUL-QURILISH", расположенного по адресу: Ташкентская область, Юкори Чирчикский район, поселок Барданкуль. Абдурахманов Абулолимжон Мухитдинович сообшчаёт о намерении приобрести простые акции, составляющие более 15 % от уставного фонда следующего эмитента ОАО "AVTOYUL-QURILISH", расположенного по адресу: Ташкентская область, Юкори Чирчикский район, поселок Барданкуль.

Table with columns: Savdo sanasi, Kim tomonidan savdogga kuyilgan, Kuchmas mulk nomi va manzili, Boshlang'ich bahosi (сўм), Sotilishi bahosi (сўм). Includes data for REALTOR GARANT BUSINESS MCHJ and other companies.

